



**O'zbekiston Respublikasi  
Qurilish va Uy-Joy Kommunal xo'jaligi vazirining  
Buyrug'i**

2023-yil. "24"-yanvar

**9-son**

**"Texnologik loyihalar" ma'lumotnomasini tasdiqlash to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 6-oktabrdagi 577-sun "Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. "Texnologik loyihalar" ma'lumotnomasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O'zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi raisining 1996-yil 27-maydag'i 39-sun buyrug'i bilan tasdiqlangan QMQ 1.01.05-97 "Texnologik loyihalashtirish me'yorlarini ishlab chiqish, kelishish va tasdiqlash tartibi" qurilish me'yorlari va qoidalari o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi, Uy-joy communal xizmat ko'rsatish vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Sog'liqni saqlash vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Xalq ta'limi vazirligi, Maktabgacha ta'lim vazirligi hamda Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo'mitasi bilan kelishilgan.

**Vazir**



**B. Zakirov**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирининг 2023 йил  
24 январдаги 9 - сон буйруғига  
**ИЛОВА**

**“Технологик лойиҳалар” бўйича маълумотнома  
КИРИШ**

Мазкур маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги “Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 577-сонли қарорига мувофиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини замонавий халқаро стандартлар билан уйғулаштирган ҳолда тизимлаштириш, қурилиш соҳасида инновацион лойиҳавий ечимлар ва замонавий илмий-техник ишланмаларни қўллаш имкониятини кенгайтириш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда ҳамда янги технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиши, мувофиқлаштириш (келишиш, маъқуллаш) ва рўйхатга олиш ҳамда амалдаги технологик лойиҳалаштириш меъёрларини қайта кўриб чиқиши мақсадида ишлаб чиқилди. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида фан ва техникани ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича асосий йўналишларнинг талабларидан келиб чиқиб, тармоқларда ишлаб чиқариш техник даражасининг асосий прогрессив кўрсаткичлари негизида ишлаб чиқилиши ва ушбу нормалар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг жаҳон даражасига мос келишини таъминлаши лозим.

Меъёрларнинг тўғри қўлланилганлиги лойиҳаларни ва лойиҳа олди материалларини экспертизадан ўтказиш пайтида текширилади.

Вазирликлар ва идоралар технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилиши устидан назоратни амалга оширишади ва тармоқларда ушбу меъёрларнинг ишлаб чиқилиши учун масъул бош лойиҳалаш ташкилотларини аниқлаб беради.

**1-боб. Норматив ҳужжатларга ҳаволалар**

1. Мазкур маълумотномада қўйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

“Экологик хавфсизлик тўғрисида умумий техник регламент”;

ГОСТ 30774-2001 «Ресурсосбережение. Обращение с отходами. Паспорт опасности отходов. Основные требования».

**2-боб. Атамалар ва таърифлар**

2. Ушбу маълумотномада қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

**технологик жараён** - бу меҳнат предметининг ҳолатини ўзгартириш ва аниқлаш бўйича мақсадли йўналтирилган ҳаракатларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми;

**курилиш жараёнларини технологик лойиҳалаш** - барча турдаги ресурсларни минимал сарфлаш билан қурилиш жараёнларини, қурилиш маҳсулотларини белгиланган муддатларда ишлаб чиқаришни таъминлайдиган энг мақбул ташкилий ва технологик ечимларни аниқлаш шартларини ўз ичига олади;

**технологик лойиҳалаштириш меъёрлари** – ўрнатилган тартибда вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланадиган саноат корхоналари ва иншоотларнинг технологик жараёнларини лойиҳалаштириш бўйича норматив хужжатлар;

**корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати** – маълум бир даврда ишлаб чиқаришнинг максимал ёки оптимал ҳажмининг ҳисобий кўрсаткичи;

**асосий ускуналар** – турли технологик жараёнларни бажариш учун эксплуатация қилинадиган ускуналар, аппаратлар ва машиналарнинг тоифаларини англаради;

**ёрдамчи ускуналар** – ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ускуналар, лекин улар маҳсулотлар тайёрлашда асосий ускуналарнинг ишлаш қобилиятини кафолатлади;

**меҳнат унумдорлиги** – меҳнатнинг натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткич;

**Давлат назорати органлари** - Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси.

### **3-боб. Умумий талаблар**

3. Вазирликлар, идораларга тегишли бўлган турли ишлаб чиқариш корхоналарида кечадиган жараёнларни технологик лойиҳалаштириш меъёрлари 5 йилгача эскирмайдиган шарт билан ишлаб чиқиласdi.

Фақат амалдаги намунавий ва янги ишлаб чиқиладиган лойиҳаларда назарда тутиладиган технологик жараёнлар, шу билан бирга республиканинг бошқа меъёрий хужжатлари билан тартибга солинадиган ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари (транспорт, алоқа, электр энергетикаси, гидротехника, сув хўжалиги қурилиши ва бошқа объектларда) республика технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилмайди.

4. Айни бир вазирлик, идорага тегишли корхоналар ва иншоотларни технологик лойиҳалаштириш меъёрлари технологик лойиҳалаштиришнинг идоравий меъёрлари тоифаларига киради. Технологик жараёнларнинг лойиҳаларига қўйиладиган талаблар ушбу вазирликларнинг лойиҳа ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Тез ўзгарувчан технологик жараёнлар кечадиган ишлаб чиқаришда технологик лойиҳалаштиришнинг вақтинчалик меъёрлари ишлаб чиқилиши мумкин.

5. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари транспорт, омборхоналар билан боғлиқ бўлган ҳамда бошқа операцияларни киритган ҳолда ишлаб чиқаришнинг бутун технологик жараёнига ишлаб чиқилиши ва у қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотнинг техник даражасини (асосий техник-иктисодий кўрсаткичларни);

ишлиб чиқариш корхоналарининг оптимал қуввати ва параметрик қаторини; мөхнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг мөхнат сарфини; маҳсулот ишлиб чиқаришнинг материал сифимдорлиги ва энергия сифимдорлигини; асосий ва ёрдамчи ишлиб чиқариш технологик жараёнларининг прогрессив туларини (машиналар, ускуналар, приборларнинг маркаларини кўрсатмаган ҳолда); маҳсулот бирлигига сарфланадиган маблағларни; асосий ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланишни (ишининг сменавийлиги ҳамда асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг юклангандлик коэффицентини); ишлиб чиқаришнинг автоматлаштирилганлик даражасини; ишлиб чиқаришнинг ихтисослаштирилганлиги ва кооперацияланганлигини; асосий ва ёрдамчи ишлиб чиқаришларда қўл мөхнати билан ишларни бажарадиган ишчиларнинг солиштирма салмоғини; қолдиқ материаллар ва иккиламчи ресурсларнинг утилизациясини.

6. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари бошқа норматив ҳужжатлардаги қоидаларни такорламаслиги ва қўлланмавий материаллар билан тўлдирилмаслиги керак. Улар, шунингдек атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда ветернария, зоотехника ва тегишли вазирликлар, идоралар компетенциясига кирувчи бошқа меъёрларнинг талабларини ўз ичига киритмаслиги керак.

7. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари фан ва техниканинг ўзлуксиз тараққий этишини, илғор технологиялар ҳамда такомиллашган асосий ва ёрдамчи асбоб-ускуналарни қўллаш билан маҳсулот ишлиб чиқаришнинг оптимал қувватларини ҳисобга олган ҳолда соҳа корхоналарини лойиҳалаштиришдаги асосий техник йўналишлардан келиб чиқкан ҳолда ишлиб чиқилиши ва уларни лойиҳалаштиришда қўллаш орқали қуйидагиларни таъминлаши лозим:

ишлиб чиқариш технологиялари ва ускуналарини конструкциялаш соҳаларида эришилган энг янги фан ва техника ютугларининг амалиётга татбиқ этилишини;

корхоналар, бинолар, иншоотлар таннархининг пасайишини ва уларни қуриш муддатларининг қисқартирилишини;

ишлиб чиқаришда сермеҳнатлиликни қисқартириш ва материалларнинг ортиқча сарфланмаслигини;

маҳсулот сифатининг ошишини;

маҳсулот ишлиб чиқаришда юқори техник-иктисодий кўрсаткичларга эришишни;

маҳсулотларни ишлиб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларида ГОСТ 30774-2001 «Ресурсосбережение. Обращение с отходами. Паспорт опасности отходов. Основные требования» ва “Экологик хавфсизлик тўғрисида умумий техник реглмент”да келтирилган хавфсизлик талабларига риоя қилинишини;

мөхнат қилиш учун хавфсиз ва меъёрий санитария-гигиеник шароитлар яратилишини;

табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит (ер, сув, ҳаво, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами) муҳофазасини.

8. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ўз ичига уларнинг прогрессивлилик даражасини акс эттирувчи техник-иктисодий кўрсаткичларни қамраб олиши **лозим**.

9. Технологик лойиҳалаштириш янги меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалдаги технологик лойиҳалаштириш **меъёрларини қайта кўриб чиқиш** тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда **тармоқ бош** лойиҳа институтлари томонидан амалга оширилади.

10. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ҚМҚ 1.01.05-97 га мувофиқ қуидаги номенклатура:

машиналар, ускуналар, корхоналар, ишлаб чиқариш **иш вақтининг фонди** ва режимлари;

машина, агрегат, мосламаларни жойлаштириш меъёрлари ва улар ишчи майдонларининг меъёрлари;

хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, сув, электр энергияси, газ, буғ, ҳаво, кислород ва ҳ.к.ларни сарфлаш меъёрлари ҳамда уларнинг параметрлари ва сифатига қўйиладиган талаблар;

хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулотларни захиралаш ва жойлаштириш меъёрлари;

омборхоналар ҳамда хўжалик хоналарининг нормативлари;

ишчиларнинг иш вақти фонди ва режимлари;

асосий ва ёрдамчи ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ҳамда хизматчиларнинг меъёрий сони;

ишлаб чиқаришнинг портлаш, портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўйича тоифалари (агар улар вазирлик, идоралар тасдиқлаган алоҳида рўйхатда келтирилмаган бўлса);

бинолар, иншоотларда кечадиган технологик жараёнлар нуқтаи назаридан шу бинолар, иншоотлар ва улардаги ускуналарга ҳарорат, тозалик, намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, шовқин ва вибрация даражаси бўйича қўйиладиган маҳсус талаблар;

технологик жараёнларнинг механизацияланганлик ва автоматлаштирилганлик даражаси;

ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва қолдиқ материаллардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш меъёрлари;

зарарли чиқиндиларни утилизация қилиш ва чиқитга чиқариш меъёрлари;

атрофдаги табиий муҳитни электромагнит майдон, радиофаол ва бошқа таъсирлардан биологик муҳофаза қилишни регламентлаштирувчи меъёрлар;

ишлиб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш даражаси; маҳсулотнинг материал ва энергия талабчанлиги; асосий ускуналардан фойдаланиш даражаси; маҳсулот таннархи (қайта ишлаш таннархи); ишлиб чиқариш унумдорлиги (маҳсулотнинг меҳнат сарфи) бўйича ишлиб чиқилиши лозим.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг номенклатураси ишлиб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда вазирликлар, идоралар томонидан биргаликда аниқлаштирилиши мумкин (технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг аниқлаштирилган номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган бўлиши лозим).

11. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари Ўзбекистон Республикасида лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар, давлат стандартлари, санитария ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари, хавфсизлик техникиси қоидалари ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қоидаларнинг талаблари билан боғланган бўлиши лозим.

Мазкур меъёрларда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларда ифода этилган қоидалар такрорланмаслиги ва улар маълумот берувчи материаллар билан ортиқча тўлдирилмаслиги лозим.

12. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларига фан ва техника юутуғларини ўз вақтида татбиқ этиш ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурияти билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар ва тўлдиришлар мунтазам равища киритилиши лозим.

Технологик лойиҳалаштириш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва тўлдиришлар шу норматив ҳужжатларни тасдиқловчи вазирликлар ҳамда идоралар томонидан тасдиқланади ва уларнинг қарорлари, буйруқлари билан амал қила бошлади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари билан ўрнатилган тартибда беш йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда қайта кўриб чиқилиши ва қайта тасдиқланиши зарур.

13. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлиб чиқувчи бош тармоқ лойиҳалаш ташкилотлари ШНҚ 01.01-09 га мувофиқ шу меъёрларни тасдиқлаган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўйидагилар:

меъёрий ҳужжатлар талабларининг фан ва техниканинг янги ютуқларига мос келиши, жумладан, янада прогрессив технологик жараёнлар, юқори ишлиб чиқариш унумдорлигига эга бўлган ускуналар, ишлиб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг самарали воситаларининг қўлланилиши;

лоиҳаларда юқори техник-иктисодий кўрсаткичларни таъминловчи ишлиб чиқариш ва меҳнатнинг илмий ташкил этилиши;

юқорида таъкидланган меъёрларнинг корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойихалаш бўйича қурилиш меъёрлари, қоидалари ва йўриқномалари ҳамда санитария ва ёнгин хавфсизлиги меъёрлари, хавфсизлик техникаси қоидалари, ГОСТ 30774-2001 «Ресурсосбережение. Обращение с отходами. Паспорт опасности отходов», “Экологик хавфсизлик тўғрисида умумий техник реглмент” да келтирилган умумий қоидалар ҳамда қурилиш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар билан боғланганлиги учун маъсулдирлар.

#### **4-боб. Технологик лойихалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш тартиби**

##### **14. Технологик лойихалаштириш меъёрлари тўртта босқичда ишлаб чиқилади:**

1-босқич: технологик лойихалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш учун техник топшириқни тайёрлаш ва тасдиқлаш;

2-босқич: технологик лойихалаштириш меъёрлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни тақриз учун жўнатиш;

3-босқич: тақризларни қабул қилиш ва уларга асосланган ҳолда технологик лойихалаштириш меъёрларининг якуний лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда келишиш учун норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими project.gov.uz портали орқали манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш учун қўйилади;

4-босқич: технологик лойихалаштириш меъёрларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

*Эслатма:* технологик лойихалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиша босқичларни қўшиб олиб боришга йўл қўйилади.

15. Технологик лойихалаштириш меъёрларига тузиладиган техник топшириқлар ушбу маълумотноманинг 1-иловасига мувофиқ ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

#### **5-боб. Технологик лойихалаштириш меъёрлари лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрири) ва тақриз учун жўнатиш**

16. Технологик лойихалаштириш меъёрлари лойиҳаси стандартлаштириш, стандартлаштириш графикаси, маҳсулотнинг янги турларини яратиш бўйича режалар, манфаатдор ташкилотлар ва вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва тайёрловчи корхоналарнинг ташаббусига кўра таклифларни тузиш бўйича техник кўмиталар иш режаларига асосланиб ишлаб чиқилади.

17. Технологик лойихалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда ушбу маълумотноманинг 8-бобига мувофиқ тушунтириш хати тузилади ҳамда зарурият туғисла технологик меъёрларни татбиқ этиш бўйича асосий ташкилий-техник тадбирлар режаларининг лойиҳаси ишлаб чиқилади (кейинги ўринларда асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси деб аталади).

Агар технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳасини ишлаб чиқишида қайтадан кўриб чиқиш, ўзгариши киритиши ёки амалдаги ўзаро бир-бирига боғлиқ меъёрий хужжатларни (МХ) бекор қилиш зарурияти туғилса, унда ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот қайта кўриб чиқиш, ўзгариши киритиши ёки амалдаги МХ ни бекор қилиш ҳақида асосли таклифларни тайёрлаши ва ушбу таклифларни асосий тадбирлар лойиҳасига киритиши зарур.

18. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси, тушунтириш хати, асосий тадбирлар режаларининг лойиҳасини тақризга жўнатунгна қадар олдиндан илмий-техник (илмий) кенгашда ёки ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотнинг илмий-техник кенгашида буюртмаши ташкилот вакилининг иштирокида кўриб чиқиш лозим.

19. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси, тушунтириш хати ҳамда асосий тадбирлар режалари лойиҳасининг нусхалари битта папкага жамлаштирилади ва қуидаги рўйхат бўйича тегишли (манфаатдор) ташкилотларга тақриз учун ушбу маълумотноманинг 2-иловасига мувофиқ жўнатилади;

1) буюртмаши ташкилотга (acosий истеъмолчига) ёки меъёрлар лойиҳаси келишилганига кўра асосий деб тайинланган унинг ташкилотларидан бирига;

2) давлат назорат идорасига, касаба уюшмаси идорасига, транспорт вазирлигига, соғлиқни сақлаш вазирлигига, агарда меъёрлар лойиҳасида уларга тегишли талаблар бўлса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига;

3) фаолият тури бўйича асосий ташкилотларга;

4) меъёрларни татбиқ қилувчи ва татбиқ қилишни таъминловчи ташкилотлар ва корхоналарга;

5) МХ га оид амалдаги қайта кўриб чиқиш, ўзгариши киритиши, технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳасини ишлаб чиқишга алоқадор ва бекор қилиш керак бўлган қоидаларни тасдиқловчи идораларга.

20. Корхона ва ташкилотлар тавсия қилинган технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини кўриб чиққач, тақриз ёзадилар ва уни бевосита ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотга технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини олганларидан 15 кундан кечиктирмай жўнатадилар.

21. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини тузиш, баён қилиш, расмийлаштириш ва унга тақриз бериш ушбу маълумотноманинг 63-бандида келтирилган тлалабларга мувофиқ бажарилади.

#### **6-боб. Тақриз ёзиш, технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини ишлаб чиқиш (тугалланган таҳрири), келишиш ва уни тасдиқлаш учун тақдим этиш**

22. Ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот олинган тақризлар асосида ушбу маълумотноманинг 72-бандига мувофиқ тақризлар ахборотини тайёрлайди.

23. Ушбу маълумотноманинг 20-бандида белгиланган муддатда жўнатилган тақризлар етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилади ва тақриз ёзиш ахборотига киритилади.

**24. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот ва биргаликда бажарувчи ташкилотлар ахборотлар асосида технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини якуний таҳрир қилиб чиқадилар ва тушунтириш хатига ҳамда асосий тадбирлар лойиҳасига аниқлик киритадилар.**

**25. Ишлаб чиқувчи ташкилот ва бошқа манфаатдор ташкилотлар орасида технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ва асосий тадбирлар лойиҳаси бўйича бир-бирига зид фикрлар бўлса, ишлаб чиқувчи ташкилот зид фикрларни кўриб чиқиш учун мажлис ўтказади.**

Мажлисга асосий манфаатдор ташкилотлар, жумладан, буюртмачи (асосий истеъмолчи) вакиллари, технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини кўриб чиқиши юзасидан мажлисда қарор қабул қилишга ваколат берилган кишилар таклиф қилинадилар. Мажлис қатнашчиларининг таркиби кўриб чиқилаётган масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва шулар бўйича қарор қабул қилиш имкониятини таъминлаши зарур.

Ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот мажлис қатнашчиларига низоли масалалар бўйича тақризлар ахборотида кўчирма йўллайдилар. Мажлисга ушбу йиғилиш бошланишига қадар 10 кундан кечикмай қатнашчилар хабардор бўлишларини назарда тутган ҳолда таклиф қилинадилар.

Мажлис қарори йиғилиш иштирокчилари имзо чеккан баённома қарори билан расмийлаштирилади.

Баённомада ёки баённома қарорига илова қилинган алоҳида рўйхатда ҳар бир иштирокчининг исми шарифи ва лавозими (ташкилот номи ҳам) кўрсатилади.

Технологик лойиҳалаштириш лойиҳасининг аниқлаштирилган таҳриридаги айрим бандлар бўйича зид фикрлар бўлса, мажлис баённомасида ушбу бандлар бўйича ташкилотлар вакилларининг алоҳида фикрлари қайд қилинади.

Алоҳида фикрлар алоҳида варакда ёки бевосита мажлис баённомасида баён этилиши ва унга ўз фикрига эга вакиллар имзо чекишлиари зарур.

**26. Мажлисда қабул қилинган қарор асосида технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси якуний таҳрир қилинади ва тушунтириш хатига ҳамда асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритилади.**

**27. Ишлаб чиқувчи ташкилот технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг якуний таҳририни тасдиқлашга тақдим этишдан аввал, буюртмачи ташкилотнинг (асосий истеъмолчи) ёки стандартлаш бўйича асосий деб тайинланган унинг ташкилотларидан бирига розилик олиш учун жўнатади.**

Бундан ташқари, технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси давлат назорат идоралари, касаба уюшмаси идоралари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, агарда меъёрлар лойиҳасида уларга тегишли талаблар бўлса, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган бўлиши керак.

**28. Стандартларга асосланган умумий техник шартлар ёки умумий техник талаблар, шунингдек, касаба уюшмалари идоралари, давлат назорати идоралари, Давлат Экология**

кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, транспорт вазирлиги билан келишилган қоида ва меъёрлар бўлганда технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси мазкур идораларга тегишли амалдаги қонун ва қарорларга мувофиқ келишилиши лозим.

29. Ишлаб чиқувчи ташкилот технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси якуний таҳрирининг нусхасини бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштириш (келишиш, маъқуллаш) учун барча розилик берувчи идораларга ушбу маълумотноманинг З-иловасига мувофиқ шу таҳрир нусхасига тушунтириш хати, асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси ва зиддиятли фикрларни илова қилган ҳолда ўтказилган мажлис баённомасининг бир нусхасини жўнатади.

30. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳасига розилик бериш меъёрлар лойиҳаси келиб тушган кундан 15 кунлик муддат ичida амалга оширилади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳасига таклифлар ва эътиrozлар бўлса, унда тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси шу фикрлар билан бирга техник-иктисодий жиҳатдан асослаб берилган ҳолда ишлаб чиқувчи ташкилотга худди шу муддат ичida жўнатилади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси бўйича белгиланган муддат ичida фикрлар келиб тушмаса, лойиҳага розилик берилган деб ҳисобланади.

31. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига розилик берганликни тасдиқлаш раҳбар (раҳбар ўринбосари) имзо чеккан алоҳида хат билан ёки раҳбар (раҳбар ўринбосари)нинг меъёрлар лойиҳасининг асл нусхаси ёки иккинчи нусхасига «РОЗИЛИК БЕРИЛДИ» деган катта ҳарфлар остига имзо чекилиши билан расмийлаштирилади.

Меъёрлар лойиҳасига қўшимча имзолар ёки визалар ҳамда «Огоҳлан-тиришлар билан розилик берилди»га ўхшаш ёзувлар билан лойиҳани тўхтатишга рухсат этилмайди.

32. Зиддиятли фикрлар бўлса ва улар билан келишиш имкони бўлмаса, унда ушбу маълумотноманинг 4-иловасига мувофиқ маълумотнома тузилиши зарур.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси бўйича ташкилотлар ўртасида қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлса, якуний қарор Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан қабул қилинади.

33. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларига ўзгартириш киритиш, агарда бу илгари келишилган ташкилотлар манфаатларига путур етказмаса, у ҳолда фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишган ҳолда ҳал этилади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини бекор қилиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш (чўзиш) ишлари фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

34. Технологик лойиҳалаштиришнинг келишилган меъёрлари ёки келишув хати - етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотга жўнатилиши керак.

35. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг якуний таҳририни тасдиқлаш учун **такдим** этиши олдидан асосий ташкилот ёки уларга биринтирилган

маҳсулотларни стандартлаш бўйича ТК (техник комиссия) хуқуқий экспертизадан ўтказади.

36. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳаси тасдиқлаш учун ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан қўйидагича комплектлиқда **такдим** этилади:

- биргаликда юборилувчи хат;
- меъёрлар лойиҳасининг якуний таҳририга тушуниши хати;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг тўрта нусхаси;
- меъёрлар лойиҳасининг мувофиқлаштирилганлигига (келишилганлигига) далолат берувчи асл ҳужжатлар;
- меъёрлар лойиҳасига тақризлар ахбороти;
- бошқа зид фикрлар ҳақида маълумотнома.

## **7-боб. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш**

37. Ўзбекистон Республикаси **Қурилиш вазирлиги** 15 кундан кўп бўлмаган **муддат** ичida кўриб чиқиши учун тавсия этиладиган технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёrlайди, шунингдек, уларни давлат рўйхатидан ўтказишини таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш ёки меъёрлар лойиҳасини қайta ишлаш учун қайтариш учун қарор қабул қиласди.

38. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари тасдиқланади ва **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** буйруғи билан амалга жорий этилади.

39. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг амал қилиш муддати 5 йилга тасдиқланади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини тасдиқлашда асосий тадбирлар режаси лойиҳасига мувофиқ ишни олиб боришни назарда тутган ҳолда меъёрларни амалга жорий этиш санаси белгиланади.

Янгитдан тасдиқланган стандартлар ёки бошқа МҲлардан асос қилиб олинган технологик лойиҳалаштириш меъёрларини амалга тадбиқ этиш санаси мазкур стандартлар ёки МҲларни амалга киритиш санасидан эрта бўлмаслиги керак.

40. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини давлат рўйхатидан **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** ўтказади.

41. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари давлат рўйхатига тўрт нусхада қўйидаги шаклда келтирилади: асл нусхаси, дубликат ва икки нусха.

Меъёрлар дубликати меъёрлар аслига тўғри келиши ва керакли сифатда нусха олиш имконини таъминлаши зарур.

Меъёрларнинг иккинчи нусхаси ва ушбу маълумотноманинг 36-бандида кўрсатилган биргалиқда жўнатилувчи хат аниқ ёзилган бўлиши керак.

42. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари давлат рўйхатидан ўтказиш учун муқоваланиб, брошюра қўринишида тақдим этилиши керак.

43. Зарурият туғилганда, технологик лойиҳалаштириш меъёрларига киритиладиган тузатишлар алоҳида ранг билан ажратилган ҳолда аниқ ёзилиши, биринчи саҳифанинг орқа томонида ёзилган ва раҳбар (раҳбар ўринбосари) имзоси билан ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун тавсия қилган идора (ташкилот) муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

44. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини давлат рўйхатидан ўтказиш қўпи билан 5 кунлик муддат ичida амалга оширилади.

45. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини рўйхатдан ўтказишда

РТЛМ - Республика технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ёки ИТЛМ - идоравий технологик лойиҳалаштириш меъёрлари, қайднинг тартиб рақами ҳамда тасдиқнинг охирги икки рақами - суратда, сўз билан идора ёки меъёрга буюртма қилувчи ташкилотнинг қисқача номи маҳражда ёзилади.

Масалан:

РТЛМ Ўз 10-96

ИТЛМ Ўз 15-96

---

Ўзқурилишматериаллари

---

Ўзтемирийўллари

46. Рўйхатдан ўтказиш идораси асл нусханинг, дубликат ва технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг иккала нусхасининг биринчи саҳифаларига рўйхатга олиш идорасининг номи, санаси ва давлат қайд рақамини кўрсатиб, муҳр (штамп) босади.

47. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг дубликати ва унинг иккинчи нусхалари **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига қолади**. Асл нусха ва меъёрларнинг иккинчи нусхаси ишлаб чиқувчига қайтарилади.

48. Қурилиш вазирлиги меъёрларни давлат рўйхатидан ўтказгач, 15 кунлик муддат ичida иккинchi нусхани Республика илмий-техника кутубхонасига жўнатиши зарур.

#### **8-боб. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг лойиҳасига тушунтириш хатини тузиш, расмийлаштириш ва унинг мазмуни**

49. Тушунтириш хатига технологик лойиҳалаштириш меъёрларининг тўлиқ номи, меъёрлар лойиҳаси таҳрирининг тартиб рақами ҳамда меъёрларни ишлаб чиқиши босқичлари ҳақидаги маълумотлар тўлиқ ёзилади.

Мисол:

«Силикат ғишининг ишлаб чиқарилиши» (тақриз учун йўлланаётган биринчи таҳрири) технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига тушунтириш хати.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига тушунтириш хатининг боблари араб рақамларига нуқта қўйилиб, белгиланади ва қуйидаги изчилилкда жойлаштирилади:

- 1) технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаш асослари;
- 2) меъёрларни ишлаб чиқишдан мақсад ва унинг вазифалари;
- 3) меъёрга солиш обьектининг таърифномаси;
- 4) меъёрларнинг илмий-техник даражаси;
- 5) меъёрларни амалга киритишининг техник-иктисодий самарадорлиги;
- 6) меъёрларни тадбиқ этиш, амалга киритиш;
- 7) бошқа меъёрий хужжатлар билан ўзаро алоқадорлиги;
- 8) тақризга жўнатиш ҳақидаги маълумот (меъёр лойиҳасининг барча таҳририга нисбатан биринчиси бундан мустасно);
- 9) мувофиқлаштириш (келишиш) ҳақидаги маълумотлар (фақат тасдиқлаш учун тавсия этиладиган меъёрлар лойиҳасининг якуний таҳририга берилади);
- 10) маълумот олиш манбаи;
- 11) қўшимча маълумотлар.

50. Тушунтириш хати меъёрлар лойиҳасининг ҳар бир таҳририга тузилади, тушунтириш хатида асосий қўрсаткичлар, меъёрлар, таърифномалар, меъёрлар лойиҳаси таҳрирининг кейинги таҳиринга қўйиладиган талаблар, ўзгартиришининг техник-иктисодий асослари қўрсатилади.

51. «Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаш асоси» бобида ТК стандартлаш иш режасининг жадвали ёки қайси асосга қўра меъёрлар ишланаётгани қўрсатилади.

52. «Меъёрларни ишлаб чиқишдан мақсад ва унинг вазифалари» бобида якуний натижалар, ишлаб чиқилаётган меъёрларни қўллаш билан мақсадга эришиш ва меъёрларни ишлаб чиқиша ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар келтирилади.

53. «Меъёрга солиш обьектининг таърифномаси» бобида меъёрга солишнинг мазкур обьекти бўйича биринчи бор меъёрлар ишлаб чиқилаётгани ҳақидаги маълумотлар ёки меъёрга солишнинг мазкур обьекти бўйича меъёрлар лойиҳасини ишлаб чиқиши бошлангунга қадар амал қилаётган меъёрий хужжатлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Бобда меъёрга солиш обьектига қараб, асосий қўрсаткичлар, меъёрлар, таърифномалар, меъёрлар лойиҳасига бўлган талаблар ва уларнинг фойдаланиш қулайлиги, мувофиқлиги техник-иктисодий жиҳатдан асослаб берилади.

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари қайта кўриб чиқилган ёки уларга ўзгартириш киритилган ҳолларда уларда қўрсаткичлар, меъёрлар, таърифномалар, уларни техник-иктисодий асослаб беришга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

54. «Меъёрларнинг илмий-техник даражаси» бобида меъёрларнинг илмий-техник даражаси ва ундаги талабларнинг жаҳон талабларига мувофиқ келишини баҳолаш натижалари келтирилади; қиёслаш ва баҳо берилган чет элда ва МДҲ мамлакатларидаги

шунга ўхшаш ишлар ҳақидаги маъумотлар келтирилади. Зарурият туғилса, бу маъумотлар тушунтириш хатининг иловасига киритилади.

55. «Меъёрларни татбиқ этишнинг техник-иктисодий самарадорлиги» бобида меъёрга солишининг иктисодий афзалликлари, меъёрга солиш обьекти, тежамкорликка эришишнинг асосий манбалари ҳамда унинг натура ва пул бирлигидаги қиймати келтирилади.

Меъёрларни татбиқ этишнинг иктисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш имкони бўлмаса, меъёрларни татбиқ этишнинг ижтимоий, экологик ёки бошқа самарасини кўрсатиш керак бўлади.

56. «Меъёрларни татбиқ этиш, амалга киритиши»да:

1) асосий тадбирлар режасини бажариш вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга киритиши тахмин қилинган санаси асослаб берилади;

2) тахмин қилинаётган меъёрларни амалга киритиши муддатини чеклаш асослаб берилади.

57. «Бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро алоқадорлик»да:

1) амалдаги стандартлар, жумладан, ИСО, МЭК ва халқаро ташкилотлар, техник шартлар ва меъёрлар лойиҳаси ўзаро алоқадор бўлган бошқа МҲлар;

2) амалдаги стандартлар, техник шартлар ва ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ишлаб чиқилган меъёрларни амалга киритиши натижасида бошқа МҲларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартиш киритиши ёки бекор қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар асослаб берилган ҳолда кўрсатилади.

58. «Тақризга жўнатиш ҳақида маъумотлар»да қўйидагилар келтирилади:

1) тақриз учун меъёрлар лойиҳаси таҳририни жўнатган ташкилотлар (корхоналар) сони;

2) тақриз юборган ташкилотлар (корхоналар) сони;

3) тақризларнинг қисқача баён этилган таърифномаси, жумладан, вазирликлар, идоралардан айрим баён этилган тақризлар;

4) тақризларни кўриб чиқиш (баён этилган тақризлар) натижалари келтирилади.

59. «Келишув ҳақида маъумотлар» бобида:

1) манфаатдор вазирликлар, идоралар билан меъёрлар лойиҳаси келишувини ўтказиш ҳақида;

2) манфаатдор вазирликлар (идоралар) вакиллари йигилиш ўтказиш ҳамда унда кўрилган масалалар, агарда меъёрлар лойиҳасини ишлаш вақтида бир-бирига зид фикрлар қолган бўлса, уларнинг қисқача таърифи.

60. «Ахборот манбалари» да меъёрлар лойиҳасини ишлашда фойдаланилган ахборот манбалари ҳақида маъумотлар кўрсатилади.

61. «Күшимча маълумотлар» да, зарурият туғилса, қуидагиларни кўрсатиш керак бўлади:

1) баъзи масалаларни ҳал этиш йўллари ва (ёки) меъёрлар лойиҳаси бўйича айрим масалаларни меъёрлар лойиҳаси тақриз учун жўнатилган ташкилотлар (корхоналар)дан фикр билдиришларини сўраш;

2) етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот ҳамда бирга бажараётган ташкилотлар ўртасидаги зиддиятли фикрлар ва бошқа маълумотларнинг моҳияти.

62. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига ёзилган тушунтириш хатига меъёрларни ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот (корхона) нинг раҳбари (раҳбар ўринбосари), шунингдек, бирга ишлаётган ташкилот (корхона) раҳбарининг имзоси чекилган бўлиши керак.

Имзолар меъёрлар лойиҳасига тузилган тушунтириш хатининг сўнгги саҳифасига қўйилади.

Меъёрлар лойиҳасига тузилган тушунтириш хатининг саҳифалари мустақил равишда рақамланган ва муқовасиз бўлиши керак. Меъёрлар лойиҳасига тузилган тушунтириш хатининг саҳифаларига рақам ўнг томоннинг юқори бурчагига қўйилади.

#### **9-боб. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига тақриз ёзиш, тақризни баён этиш, расмийлаштириш ва унинг мазмуни**

63. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига тақриз ёзиш, баён этиш, уни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

1) Тақризда меъёрлар лойиҳаси, асосий таклифлар режаси, технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига берилган тушунтириш хатига асосланган аниқ фикрлар ва таклифлар қамраб олиниши керак.

Агарда тақризда технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасида назарда тутилган асосий таърифлар, кўрсаткичлар, меъёрлар ва талабларни чиқариб ташлаш ёки ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар бўлса, бу таклифлар техник-иктисодий жихатдан асослаб берилиши керак.

2) Меъёрлар лойиҳасига ёзилган тақризда фикрлар ва таклифлар қуидаги изчилликда баён этилади:

меъёрлар лойиҳасининг бутун матни бўйича;

умумий қоидалар бўйича;

асосий қисм бўйича;

ахборот маълумотлари бўйича;

асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси бўйича;

меъёрлар лойиҳасига ёзилган тушунтириш хати бўйича.

64. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига берилган фикрлар ва таклифларда:

1) меъёрлар лойиҳасининг илмий-техник даражаси ва ушбу лойиҳанинг фан, техника, жаҳон ишлаб чиқариш тажрибаси, МДҲ стандартлари ва халқаро стандартларга мослиги тўғрисдаги хулоса;

2) меъёрлар лойиҳасининг бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро алоқадорлиги;

3) технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасида белгиланадиган кўрсаткичлар, меъёрлар, талабларнинг тўлалиги ва етарлилиги;

4) меъёрга солиш объектининг истиқболлиги тўғрисида маълумот берилиши керак.

65. Умумий қоидалар бўйича тақризларда берилган фикрлар ва таклифларда меъёрларнинг тааллуқлилик соҳасини чеклаш тўғрилиги кўрсатилади.

66. Асосий қисм бўйича (боблар, бандлар, иловалар бўйича) меъёрлар лойиҳасига фикрлар ва таклифлар боблар, иловалар ва (ёки) алоҳида бандлар бўйича берилади.

Бу фикрлар ва таклифларда:

1) мазкур бобда (бандда, иловада) мавжуд меъёрлар лойиҳасининг фан ва техниканинг замонавий ютуғларига, ишлаб чиқариш тажрибаларига, халқаро стандартлар ва ҳ.к.ларга мослиги;

2) кўрсаткичларнинг техник жихатдан истиқболлиги кўрсатилади.

Меъёрлар лойиҳасига бериладиган ахборот маълумотлари бўйича фикр ва таклифлар бандлар бўйича берилади.

67. Асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси бўйича меъёрлар лойиҳасига ёзилган тақризларда меъёрларни татбиқ этиш бўйича тадбирларнинг ҳамда уларни айтилган муҳлат ичida бажариш имконияти етарлилиги кўрсатилади.

Асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига берилган тақризларда ҳам амалдаги ўзаро боғлиқ меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ўзgartириш, бекор қилиш ҳақидаги таклифлар бўйича ҳам хулоса берилади.

68. Меъёрлар лойиҳасига ёзилган тушунтириш хати бўйича меъёрлар лойиҳасининг илмий-техник даражасига баҳо бериш ва унинг талаблари жаҳон даражасига мос келиши унга берилган фикр ва мулоҳазаларда ўз ифодасини топиши керак.

69. Агарда меъёрлар лойиҳаси, асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига ёзилган тушунтириш хатида фикр-мулоҳазалар бўлмаса, унда тақризда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

технologик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига, асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига ва меъёрлар лойиҳасига ёзилган тушунтириш хатига фикр ва мулоҳазалар;

технologик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг илмий-техник даражаси ҳақида умумий хулоса.

70. Технологик лойиҳалаштириш лойиҳасига берилган тақриз вазирлик, идора бланкасида расмийлаштирилади.

71. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасига бериладиган тақризлар уларни ёзиш, расмийлаштириш ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда ёзилади.

72. Ишлаб чиқувчи ташкилот меъёрлар лойиҳасига олинган тақризлар асосида ушбу маълумотноманинг 5-иловасида келтирилган шаклда тақризлар ахборотини тузади.

73. Тақризларда мавжуд меъёрлар лойиҳаси бўйича берилган фикр ва таклифлар тақриз ахборотида қўйидаги изчилликда баён этилади:

- 1) меъёрлар лойиҳасининг бутун матни бўйича;
- 2) умумий қоидалар бўйича;
- 3) асосий қисм бўйича;
- 4) ахборот маълумотлари бўйича;
- 5) асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси бўйича;
- 6) меъёрлар лойиҳасига тушунтириш хати бўйича.

74. Тақризлар ахборотининг ушбу маълумотноманинг 5-иловасига мувофиқ тузилган жавдалидаги 3-устунда тақриз жўнатган вазирлик (идора), ташкилот (корхона) номи, хатга қўйилган рақам ва сана қўрсатилади.

75. Тақризлар ахборотининг ушбу маълумотноманинг 5-иловасига мувофиқ тузилган жавдалидаги 4-устунда таклифдаги ҳар бир фикр мазмuni айтиб ўтилади. Бир хил мазмунда фикр ва мулоҳазалар билдирган ташкилот (корхона)ларни санаб ўтган ҳолда умумий позицияга гуруҳлаш керак бўлади.

76. Тақризлар ахборотининг ушбу маълумотноманинг 5-иловасига мувофиқ тузилган жавдалидаги 5-устунида меъёрлар лойиҳасини ишлаб чиқсан етакчи ташкилотнинг ҳар бир берилган фикрлар ва мулоҳазалар ҳамда таклифлар бўйича хулосаси келтирилади.

Меъёрлар лойиҳасига берилган фикрлар ва (ёки) таклифлар, эътиrozлар бўйича хулосалар қўйидаги кўринишида берилиши керак:

1) «қабул қилинди» - агарда фикр ва (ёки) таклиф, эътиroz тўлалигича қабул қилинса;

2) «қисман қабул қилинди» - агарда фикр ва (ёки) таклиф, эътиroz тўлалигича қабул қилинmasa. Сўнgra фикр ва (ёки) таклиflарнинг қабул қилинмай қолдирилган қисми асосланиши керак;

3) «Маълумот учун қабул қилинди» – агарда ишлаб чиқувчи фикрларга ва (ёки) таклиflарга, эътиrozларга қўшилсаю, бироқ бу мазкур меъёрлар лойиҳасига тўғридан-тўғри алоқаси бўлmasa;

4) «қолдирилди» – агарда фикр ва (ёки) таклиф, эътиroz қабул қилинmasa. Сўngra фикр ва (ёки) таклиf, эътиrozларнig қолдирилиши асослаб берилади.

77. Тақризларга тақризлар ахборотини тузиш учун масъул етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот бўлими раҳбари, иш (мавзу) раҳбари, масъул ижроchilar имзо чекишлари керак.

78. Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари ахборотини A4(210x297 **mm**) бичимдаги варагларда, асослаб берилган ҳолларда эса A3(297x420 **mm**) бичимда босиш керак бўлади.

Тақризлар ахборотининг иккинчи ва сўнгги саҳифаларини расмийлаштиришда тақризлар ахборотининг бандлари номлари кўрсатил-майди, фақат банд рақами **қўйилади**.

## 1-ИЛОВА

### **Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш)га тузиладиган ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

КЕЛИШИЛДИ:

ТАСДИҚЛАЙМАН:

---

лавозими

---

лавозими

---

ишлаб чиқиладиган (қайта кўриб чиқидадиган) меъёрлар номи

---

(меъёрларни ишлаб чиқувчи етакчи лойиҳалаш ташкилотининг номи)

---

(биргаликда бажарувчи илмий-тадқиқот ва технологик ташкилотлар номи)

1. Меъёрларни ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш) учун асос

---

(меъёрларни ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш) режасининг номланиши, бу режани тасдиқлаган орган номи, режани тасдиқлаш тўғрисидаги хужжат номи (сана ва хужжат номери)

2. Бажариш муддатлари:

ишлиб чиқиш (қайта кўриб чиқиш)нинг бошланиши

---

(ой ва йил)

Вазирлик (идора)га жўнатилиши

---

(ой ва йил)

мувофиқлаштириш (келишиш)

---

(ой ва йил)

хужжатнинг амалга қилишга киритилиши

---

(ой ва йил)

Тугалланиши \_\_\_\_\_ 2000 й.

3. Меъёрий ҳужжатни ишлиб чиқидан кўзланган мақсад ва уни амал қилишга киритишидан кутилаётган самара (ҳал этилиши чамаланилаётган асосий вазифалар, янги меъёрларни татбиқ этишдан эришиладиган конкретт ижобий натижалар кўрсатилади)

---

---

4. Меъёрий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асосий бошланғич маълумотлар (тугалланган ёки якунланаётган илмий-тадқиқот ишланмалари, экпериментал маълумотлар, ишлиб чиқариш техник даражасининг истиқболлилигини тасдиқловчи асосий прогрессив кўрсаткичлар)

---

---

5. Технологик лойихалаштириш меъёрлари боблари ва асосий боблари ўйича асосий ижро этучилар рўйхати, уларни ишлиб чиқиш босқичлари ва муддатлари, меъёрларни мувофиқлаштириш (келишиш)га ва таслиқлашга тақдим этиш (қуйидаги шакл бўйича)

---

---

Боблар номи	Ижро этувчилар	Босқичлар ва муддатлар			
		1-таҳрирни тайёрлаш	Хулосалар ва розиликлар олиш, муддатлар ва ташкилий ишлар	Якуний таҳрирни тайёрлаш	Тасдиқлашга тақдим этиш

Бутун меъёрлар

лойиҳаси бўйича

шу жумладан

боблар бўйича

## 6. Бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар билан ўзаро алоқадорлиги

---

---

Амалдаги стандартлар (жумладан, ИСО, МЭК ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари) ва техник шартлар ҳамда ишлаб чиқилаётган меъёрларнинг ўзаро боғлиқлиги; амалдаги стандартлар, техник шартлар ва ишлаб чиқилаётган меъёрларни амалга татбиқ этиш натижасида қайта кўриб чиқилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши зарур бўлган бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар кўрсатилади.

## 7. Ахборот манбалари

---

---

Тугалланган ёки ниҳоясига етадётган конкрет илмий-тадқиқот ишлари, экспериментал маълумотлар, мамлактимиз ҳамда хорижий корхоналарнинг лойиҳалари ва ишлаб чиқариш маълумотлари кўрсатилади.

## 8. Иш босқичлари ва уларни бажариш муддатлари

Босқич тартиб рақами	Иш номи	Ижрочи ташкилот	Бажариш муддатлари		Изоҳ
			Бошланиши	Тугалланиши	

Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқишида зарур бўлган барча ишларни бажариш босқичлари, ҳар бир босқични бажариш муддатлари, етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот ва биргаликда бажарувчи ташкилотлар кўрсатилади.

«Иш номи» бандида жараёнларни технологик лойиҳалаштиришнинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ ҳолда қўйидагилар назарда тутилади:

- 1) мавзу юзасидан материаллар йиғиш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- 2) технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш учун техник топшириқ лойиҳасини тузиш;
- 3) технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш)га техник топшириқни мувофиқлаштириш (келишиш);
- 4) илмий-тадқиқот ишларини (зарурият туғилса) ва тажриба-конструкторлик ишларини ёки тажриба-технологик ишларни ўтказиш;
- 5) қўрсаткичларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш ҳамда меъёрлар лойиҳасида назарда тутилган конструктив ёки технологик ечимлар, талаблар ва х.к.лар бўйича ишларни бажариш;
- 6) меъёрлар лойиҳасининг биринчи тахририни ишлаб чиқиш, меъёрлар лойиҳасига тушунтириш хатини тузиш;
- 7) меъёрлар лойиҳасини илмий-техник (илмий) кенгашда ёки меъёрларни ишлаб чиқувчи етакчи ташкилотнинг илмий-техник мажлисида кўриб чиқиш;
- 8) меъёрлар лойиҳасига тақризлар ёзиш ва тақризлар ахборотини тузиш;
- 9) меъёрлар лойиҳаси бўйича зиддиятли фикрларни муҳокама қилиш юзасидан мажлис ўтказиш;
- 10) меъёрлар лойиҳасининг якуний тахрири ва бирга жўнатилувчи хужжатларни тайёрлаш;
- 11) меъёрлар лойиҳасини мувофиқлаштириш (келишиш);
- 12) меъёрлар лойиҳасини тасдиқлаш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- 13) технологик лойиҳалаштириш меъёрларини чоп этиш (кўпайтириш).

## 9. Кўшимча қўрсатмалар

---

---

Буюртмачи ёки ишлаб чиқувчининг қўшимча талаблари қўрсатилади.

10. Технологик лойиҳалаштириш меъёрларини амалга киритиш муддатлари.

## 2-ИЛОВА

### **Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси тақриз учун жўнатилиши зарур бўлган ташкилотлар (корхоналар) рўйхати**

---

технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг номи

Ташкилотлар (корхоналар) номи	Манзили	Нусхалар сони
1	2	3

### 3-ИЛОВА

#### **Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасини мувофиқлаштириш (келишиш, маъқуллаш) учун ташкилотлар (корхоналар) рўйхати**

---

технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг номи

Ташкилотлар (корхоналар) номи	Манзил
1	2

### 4-ИЛОВА

#### **Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси бўйича зиддиятли фикрлар тўғрисида**

#### **МАЪЛУМОТНОМА**

---

технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг номи

Боб, бандлар, иловаларнинг тартиб рақами	Манфаатдор вазирликлар, идоралар хат рақами ва санаси, хатга имзо чеккан шахснинг лавозими	Ишлаб чиқувчи етакчи ташкилот вазирлиги, идорасининг хулосаси

## 5-ИЛОВА

### ТАҚРИЗЛАР АХБОРОТИ

Технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳаси таҳририга бериладиган

таҳрир рақами \_\_\_\_\_

технологик лойиҳалаштириш меъёрлари лойиҳасининг номи

Тартиб рақами	Боб, банд, иловаларнинг тартиб рақами	Вазирлик (идора), ташкилот, корхона номи, хат рақами ва санаси	Фикр ва (ёки) таклифлар	Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот хулосаси
1	2	4	5	6